

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

**ДАВЛАТ  
ХИЗМАТЛАРИДАН  
ФОЙДАЛАНИШ**



**ХУҚУҚИНГИЗ БОР**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮНУСОВА МУНАВВАРХОН САБИРОВНА**

**ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИДАН  
ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИНГИЗ БОР**

**Рисола**

**Тошкент – 2021**

**УЎК: 346.26(041)(575.1)**

Тошкент давлат юридик университети Илмий-услубий кенгашининг 2020 йил 25 июнданги 5-сон қарори билан нашрга тавсия этилган.

М.С. Юнусова.

Давлат хизматларидан фойдаланиш  
хукуқингиз бор. Рисола. –  
Т.: ТДЮУ нашриёти, 2021. – 42 б.

**Тақризчилар:** Г.А. Носирхўжаева – Тошкент давлат юридик университети “Умумтаълим фанлар” кафедраси мудири, фалсафа фанлар номзоди, доцент;  
М. Якубов – техника фанлар доктори, ТАТУ “Ахборот технологиялари” кафедраси профессори.

Мазкур оммабоп рисолада давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари хусусида сўз борган. Унда давлат хизматлари кўрсатишнинг сифати, тезкорлиги, шаффоғлигини ошириш, улардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш орқали “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган ғояни кенг амалиётга татбиқ этиш, давлат хизматлари марказлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш борасида қилинаётган ва келгусида қилиниши керак бўлган ишлар ҳакида фикр-мулоҳазалар билдирилиб, соҳада энг кўп учраётган саволларга жавоб берилган.

Рисола кенг омма учун мўлжалланган.

© Юнусова М.С.

© Тошкент давлат юридик университети, 2021.

## **МУНДАРИЖА**

1. Давлат хизматлари – бу нима?	4
2. Электрон ракамли имзо	5
3. Давлат хизматлари турлари	18
4. My.gov.uzга мурожаат	34
Фойдаланилган адабиётлар	41

## 1. ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ – БУ НИМА?



Давлат хизмати – ариза берувчиларнинг сўровлари бўйича давлат органлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар.

Агар қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат хизматлари кўрсатиш функциялари уларга юкландган бўлса, бошқа ташкилотлар ҳам давлат хизматини кўрсатиши мумкин<sup>2</sup>.

*Ариза берувчи – сўров билан давлат органига мурожаат қилган жисмоний ёки юридик шахслар.*

**Жисмоний шахс** – муайян давлат фуқароси, хорижий давлатлар фуқароси, икки фуқароликка эга бўлган, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахс<sup>3</sup>.

**Юридик шахслар** – қонун бўйича фуқаролик хуқуqlари ва мажбуриятларининг субъекти бўлган ташкилотлар (корхона, муассасалар). Юридик шахслар – ўз мулкида, ҳўжалик юритишида ва оператив бошқарувда алоҳида мол-мulkka эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мulk билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий хуқуqlарга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда дъявогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилотлар (корхона, муассаса ва бошқалар).

Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги ва “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги “Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

<sup>2</sup> Давлат хизматлари, шакллари ва блацкалари ягона реестрини паклантириши ва юритиш тартиби тўғрисида низом

<sup>3</sup> Сайдуллаев Ш. Давлат ва хукуқ назарияси. Дарслик. – Т.: ТДОУ, 2018. – 220 б.

тўғрисида<sup>4</sup>ги 377-сон қарорига мувофиқ идораларо электрон ҳамкорлик тизимини қўллаган ҳолда давлат хизматлари кўрсатишда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг идораларо ахборот ҳамкорлиги тартиби белгиланган<sup>4</sup>. Ушбу қарорга асосан давлат хизматлари кўрсатишни давлат органлари ва ягона портал орқали амалга ошириш мумкин. Давлат хизматларининг фаолиятига оид норматив-хуқуқий ҳужжатлар қуйидагилар:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги ПФ-5278-сон фармони;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги ПҚ-3430-сон қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 апрелдаги ПҚ-3662-сон қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 февралдаги ПҚ-4193-сон қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 январдаги ПФ-5930-сон фармони.

---

### ***Бу мұхим!***

*Давлат хизматларини ягона портал орқали амалга ошириши учун юридик ва жисмоний шахслар электрон рақамли имзога эга бўлиши лозим.*

---

## **2. ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗО**

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги 562-II сон қонунида электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш белгилаб қўйилган.

---

<sup>4</sup> Давлат хизматлари, шакллари ва бланкалари ягона реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисида низом

**Электрон рақамли имзо** – электрон ҳужжатдаги ахборотни электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити орқали ҳимоялаш ва очиқ калити ёрдамида ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаб, ёпиқ калит эгасини идентификация қўювчи имзо.

**Электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити** – факат имзо қўювчи шахснинг ўзига маълум бўлган ва электрон ҳужжатни тасдиқловчи белгилар кетма-кетлиги.

**Электрон рақамли имзонинг очиқ калити** – электрон рақамли имзо ёпиқ калитига мос келувчи, унинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги.

**Электрон рақамли имзо калитининг сертификати** – электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёпиқ калитга мослигини тасдиқлайдиган ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасига ваколатли орган томонидан берилган электрон ёки қоғоз шаклидаги ҳужжатдир.

**Электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг пароли** – электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан рухсатсиз тарзда фойдаланишдан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган шартли белгилар кетма-кетлиги<sup>1</sup>.

Электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилиш муддати электрон рақамли имзо калити рўйхатга олинган вактдан бошлаб 24 ойдан ошмаслиги керак.

Электрон рақамли имзо калити сертификатини <https://eimzo.uz> интернет манзилидаги шахсий кабинет орқали амал қилиш муддати тугагунга қадар узайтириб олиш мумкин.

<sup>1</sup> “Электрон рақамли имзо тутрисида”ги 2003 йил 11 декабрда тасдиқланган қонун

## **ЭРИ калитининг фойдаланиш кенглиги**

Узбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-445-сон қонунига кўра электрон рақамли имзо электрон хужжатни имзолаган шахсни идентификациялаш учун мўлжалланган бўлиб, қўлда қўйилган имзонинг тўкис аналоги ҳисобланади ҳамда электрон хужжатда акс эттирилган ахборотнинг ўзгартирилмаслиги ва муаллифликни тасдиқлаш учун қўлланилади. Шунингдек, қонунга мувофиқ электрон рақамли имзо билан тасдиқланмаган мурожаатлар аноним мурожаатлар ҳисобланади.

### **ЭРИ калитини қандай олиш мумкин?**

Электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш ва электрон рақамли имзо калити сертификатларини бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги 348-сон қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги “Янги технологиялар” илмий-ахборот маркази томонидан давлат хизматлари марказлари орқали амалга оширилади.

*Электрон рақамли имзо калити сертификатларини олиш учун белгиланган тартибда сўровнома тўлдирилади.*

Давлат хизматлари сайтига <https://davxizmat.uz/> мурожаат қилинади.

Куйидаги ойнадан электрон рақамли имзо олиш бўлими танланади.

The screenshot shows the official website of the "Electronic Services" (Электронные услуги) under the "Ministry of Finance of the Republic of Kazakhstan". The top navigation bar includes links for "Sistem kerestekni", "Mobile version", "Kazakhstan", "Official language", "Statistics", and "Business base". Below the navigation is a search bar and a menu with categories: "Agentstva", "Xizmatlar", "Laboratoriya", "Statistika", and "Xukusiy base". The main content area displays several service categories: "Tugilganchikni kajd etishi", "Atqaq oprimishini ota mukollapkorlari", "Oxchi orqinlari tomonidan arxiv joylashutuvrini berishi", "Zakon ham naddali xandoschikha tifzorimlarini qayti namzadlashishiga", "Makam mawzuini zaborona qaridagi takdim etishi", and "Elektron raqamli imzo online". A red box highlights the "Elektron raqamli imzo online" button.

Компьютер расми фаол, онлайн мурожаат қилиш мумкин бўлган хизматлар ҳисобланади. Фаол бўлмаган хизматлар учун ДХМ (давлат хизматлари марказлари)га мурожаат қилиш орқали маълумотлар олиш мумкин. Масалан: **тугилганикни кайд этиш** хизмати учун ҳали онлайн мурожаат қилиш йўлга қўйилмаган.

### Электрон рақамли имзо олиш

#### Такдим этиладиган хужжатлар:

- тўлдирилган сўровнома;
- ариза берувчининг паспорт маълумотлари;
- СТИР.

**Тўлов миқдори** – жисмоний шахслар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 7 фоизи;

юридик шахслар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи.

#### Муддат – 20 дақиқа.

Онлайн электрон рақамли имзо олиш тури танланганда кўйидаги сайт манзилига ўтилади ва [https://e-imzo.uz/#how\\_to\\_get](https://e-imzo.uz/#how_to_get) ойна пайдо бўлади.

The screenshot shows the main page of the e-imzo.uz website. At the top, there are several tabs: Адреси, Электрон-қалит, Қодамдар, Электрон-қалитта, Сәнгаттер, Ресурсы, Контакттың аспекти, and Айдан. Below the tabs, there are four circular icons, each containing a small icon and the number '1' above it:

- 1. Документ түзүлүшінде өткізу
- 2. Орталық мемлекеттік түзілімдердің түзілімдерінде өткізу
- 3. Сертификаттың орталық мемлекеттік түзілімдерінде өткізу
- 4. Электрон-қалиттың сертификациясы

Below these icons, there is a large blue button labeled "Документтадағы мәдениеттің түзілімдерінде өткізу мүмкін болады" (It is possible to sign documents in the legal framework of the country). To the right of the icons, there is a vertical sidebar with several blue arrows pointing downwards.

Бу ойнада 4 та қадамдан иборот күрсатмалар келтирилген. 1-қадамда “Ариза шаклини тұлдириң” тұгасини босиш орқали мурожаат бошланади.


Күйидеги сайт адресига үтилади ва <https://e-imzo.uz/getting/step-1> ойна пайдо бўлади.

The screenshot shows the first step of the electronic signature creation process. The title at the top reads "ЭЛЕКТРОН ҚАЛИТ ОНЛАЙН АРИЗАСИ". Below the title, there is a banner with the text "КИМ ӘКАНЛЫГИННИҢ БЕЛГИЛАНГАРЫЛУСЫНДА МАССАДАСЫЛЫКТАРДА БОЛЫСЫНДА МАССАДАСЫЛЫКТАРДА БОЛЫСЫНДА" (The right to sign documents in the name of the person signing them). There are two red boxes with arrows pointing to them: one pointing to the "Сабакташ" (Signature) button and another pointing to the "Сабакташ" (Signature) button in the "Сабакташ" (Signature) section.


The form fields include:

- Сабакташ (Signature)
- Юридик шахс (Legal person)
- Жылжимий шахс (Natural person)
- Озининг СТИР (My STIP)
- Мобил телефон номері (Mobile phone number) +998
- Расодалы кодын киритинг (Enter the verification code) 4621
- Кейини қадам (Next step)

Ойна марказида “Ким эканлигингизни белгиланг” дейилган ёзув мавжуд бўлиб, бунда жисмоний ёки юридик шахс танланади. Кейинги қадамда СТИР, телефон рақам ва расмдаги код киритилади. Ойнанинг ўнг бурчагида электрон рақамли имзо олишнинг батафсил қўлланмаси келтирилган. Агарда электрон рақамли имзо олувчининг СТИР рақами маълум бўлмаса, ойнадаги СТИР билиш тугмаси орқали my.soliq.uz сайтига ўтиб билиб олиш мумкин.



1-қадам бажарилгандан сўнг 2-қадамга ўтилади.



Ойнанинг қуи қисмida келтирилган “Выберите файл” тутмалари орқали паспорт расми ва шахсий фотосуратни юклаб кўйиш лозим. Сўнг

\* pdf файлни яратиш ва давом этиш


тутмаси босилади. З ва 4-қадамларни  
[https://dls.yt.uz/e-imzo/instruction\\_online\\_ecp\\_uz.pdf](https://dls.yt.uz/e-imzo/instruction_online_ecp_uz.pdf)  
қўлланма орқали бажаринг.

### **Электрон рақамли имзо қалити учун тўлов шакллари**

Аризани кўриб чиқишининг ижобий натижасидан сўнг электрон рақамли имзо қалити учун тўлов амалга оширилиши лозим.

**Жисмоний шахслар тўловни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 майдаги ПФ-5456-сон фармонига**

мувофиқ энг кам ойлик иш хақининг 7 % миқдорида барча банк кассалари ҳамда CLICK, PAYME, UPAY, PAYNET, MUNIS ва бошқа тұлов тизимлари орқали, шунингдек, буны сайт ойнасидаги “Тұлаш” тұгмасини босиш орқали ҳам амалга ошириш мүмкін.



Узингизни СТИР ва банк карта мәълумотларини киритинг

Тұловени амалга ошириш үкү - «SMS-хабаржайыматын» екиш залуру.  
Кимдердің екиш үзбіліктерінің батапсырылыштары

#### Жисмоний шахс СТИР

445 777 354

Тұлов (жисмоний шахслер үчүн - энг кам иш хақининг 7%, юридик шахслар үчүн - энг кам иш хақининг 10%)

15 610,00 сум

#### Карта рахами

8600-	1234567890123456
Приватный	
Payme	
Амал қилиш мүддати	
31	2020

Шавом этиш тұгмасини босиш орқали Сиз омчавии офферта шастиласыга розылдымданы тасдиғулайыз.

[Даесем этиши](#)

Тұлов ойнасига СТИР киритилиши билан тұлов миқдори автоматик равищда пайдо бўлади. Хозирги кун ҳолатида

жисмоний шахслар учун тўлов микдори 15610 сўм (ДХМга мурожаат қилингандан марказ хизмат ҳаки қўшилади).

**Юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркорлар**  
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сон фармонига мувофиқ энг кам ойлик иш ҳақининг 10 % микдорида тўловни амалга оширади. Электрон рақамли имзо калити учун олдиндан тўлов Давлат солиқ қўмитаси рўйхатга олиш марказининг қуидаги банк реквизитлари орқали амалга оширилади: x/p 20210000700431200005 АТБ “INVEST FINANCE BANK” МФО 01041, СТИР 201589463. **Якка тартибдаги тадбиркорлар** ҳам худди жисмоний шахслардек тўлов тизимлари ёки банк кассалари орқали тўловни амалга ошириши мумкин.

Электрон рақамли имзо калити қуидагиларга бепул берилади:

- давлат бюджет ташкилотлари;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги “Давлат хизматлари марказлари орқали электрон рақамли имзо калитини рўйхатга олиш ва электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш ҳақида”ги 348-сон қарорига асосан касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг ўқувчилари;

- 2019 йил 8 апрелдаги 284-сон “Норматив-хукукий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишининг ягона электрон тизимини жорий этишнинг ташкилий чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа давлат органлари ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда мастьул шахслари.

## ***Электрон рақамли имзо калитини ДХМ орқали олиш***

Электрон рақамли имзо эгаси шахсни тасдиқловчи хужжатнинг асл нусхаси билан бирга флеш-хотира (USB флеш-карта) тақдим этиши лозим.

### ***Жисмоний шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар:***

- шахсни тасдиқловчи хужжатнинг нусхаси (паспорт, ҳарбий билет, ҳайдовчилик гувоҳномаси ёки шахсини тасдиқловчи бошқа хужжат);
- электрон рақамли имзо калитини рўйхатдан ўтказиш ва сертификатни бериш учун имзоланган ариза.

### ***Юридик шахслар бериши керак:***

- юридик шахс вакилининг шахсини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси (паспорт, ҳарбий билет, ҳайдовчилик гувоҳномаси ёки шахсини тасдиқловчи бошқа хужжат);
- электрон рақамли имзо калитининг эгаси – юридик шахснинг вакилига чиқарилган буйруқнинг тасдиқланган нусхаси ёки ишончнома (бунда мурожаат этувчи электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси бўлса, электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бошқариш учун юридик шахснинг хати (ишончнома) талаб этилмайди) тақдим этиши керак.

## ***Электрон рақамли имзо сертификатини назорат қилиш***

Электрон рақамли имзо сертификатини назорат қилиш учун қуидаги сайт манзилига ўтилади ([https://e-imzo.uz/#eds\\_control](https://e-imzo.uz/#eds_control)) ва шундай ойна очилади:



Назорат қилишнинг 3 хил усули мавжуд:

- ✓ сертификатни бекор қилиш;
- ✓ сертификатни вақтінча тұхтатып түриш;
- ✓ сертификатни қайта тиқлаш.

Зарур бүлганды мазкур ҳолаттар сайты орқали амалга оширилади. Электрон рақамлы имзо ёпиқ калитини ташувчи курилманинг йүқөлиши ёки бузилиши сертификатни бекор қилишга сабаб бўлади.

### ***Сертификат ҳолатини аниқлаши ва юклаб олиши***

Электрон рақамли имзо олишда муваффақиятли онлайн мурожаат қилингандан сўнг сертификат ҳолати ва уни юклаб олиш учун сайт ойнасидан “Сертификат реестри” тұгмаси босилади.



Очиlgан ойнага СТИРни киритиш орқали сертификат серия рақами, унинг яратувчиси, сертификатнинг амалдаги муддати ва фаоллик ҳолатини кўриш мумкин.

This screenshot shows a user profile page on the imzoz.kz website. At the top, it displays the user's name 'СТИР' and a placeholder 'Имя'. Below that is a handwritten signature 'ДЕЯ'. To the right, there's a red box containing the text 'Расходный кодекс киритин' and the number '4737'. Underneath is a green button labeled 'Добавить'. Below this, the text 'Баланс: 0.00 сум' is displayed. Further down, there's a section titled 'Сертификатлар реестри' (Certificate registration) with a table. The table has columns for 'Сертификат серия рақами' (Certificate series number), 'Тарифими киритувчеси ФИЛ и' (Name of the entity that registered the certificate), 'СТИР' (STIR), 'Сертификат тизаси ФИССи' (FITS number), 'Дан' (From), 'Он' (To), and 'Хамма' (All). The table contains one row with the text 'ХХХХХХХХХХ' in all columns. At the bottom of the page, there's a note: 'Избраныи веб-сервистин бекаси 5.6.0' and a QR code.

Фаол ҳолатда бўлса, “Активный” тугмасини босиш орқали қўшимча маълумот ойнаси очилади.

## Сертификат жөнінде күштімчы маълумот

Сертификат №: DS44871168  
40001

Бұның негізінде 1 Файл из 2 файлов

Тарих:

Сайын Регистратор Хардвер

▲ Сертификат жөнінде


Есептес

Ушбу ойна орқали сертификатни юклаб олиш мүмкін.  
Ушбу сертификат



DS44871168  
40001

очиқ калит сертификатидир. У үзида электрон рақамли имзо әгаси ҳақидаги маълумот ва очиқ калитни жамлады. Күйида электрон рақамли имзо очиқ калити, ёпик калити ва электрон рақамли имзо сертификати ҳаракатланиши көлтирилған.



Электрон хужжат айланишида электрон рақамли имзони құллаган ҳолда давлат хизматларида керакли маълумотлар олиш ва юбориш йүлга қүйилған.

### **3. ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ ТУРЛАРИ**

Бугунги кунда давлат хизматлари турлари кун сайин қўпайиб бормоқда. Бу хизматлардан фойдаланишда юридик ва жисмоний шахслар учун алоҳида талаблар мавжуд.

Айни пайтда газ тизимиға уланиш; электр тизимиға уланиш; иссиқлик тизимиға уланиш; сув ва оқова сув, канализация тизимиға уланиш; алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномаси; умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоголли маҳсулотларни сотиш ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномаси; бино ва иншоотнинг ташқи кўринишини ўзгартириш (фасадини таъмирлаш)ни келишиш; объектни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилишга рухсат бериш, қурилиш-монтаж ишларига рухсат бериш; турар жойларни нотурар жой тоифасига ўтказишга рухсат бериш; ўрмон фондига кирмайдиган дараҳт ва буталарни кесишга рухсат бериш; маҳсус сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмолига рухсат бериш; ўсимлик дунёси объектларидан маҳсус фойдаланишга рухсат бериш; кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш; фармацевтика фаолиятини лицензиялаш; дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилишни лицензиялаш; тиббий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига лицензия; Ўзбекистон Республикасига хорижий ишчи кучларни жалб қилишга рухсатнома ва шу каби юздан ортиқ давлат хизматлари мавжуд. Ушбу хизматлар турлари ҳақида тўлиқ маълумотни <https://www.minjust.uz/> сайт ёки Адлия вазирлиги Давлат хизматлари агентлиги (<https://davxizmat.uz/>) орқали олиш мумкин. Мазкур сайтларда давлат хизматларига фуқароларнинг мурожаатлари тўгрисидаги статистик маълумотлар ҳам келтирилган. Бу маълумотлар ичидан давлат хизматлари марказлари орқали, шунингдек, онлайн мурожаатлар статистикасини ҳам топиш мумкин.

**Қуйида давлат хизматларининг бир нечта турлари ва мурожаатлар келтирилган.**

---

***Бу муҳим!***

***Рад этиши сабаблари – шахсий маълумотларнинг, шу жумладан телефон рақамини ҳам нотўғри киритиши.***

---

**Хизмат тури: болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш**

**Тақдим этиладиган ҳужжатлар:**

- тўлдирилган сўровнома;
- ота-онанинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- боланинг туғилганлик тўғрисидаги гувохномаси.

**Имтиёзли тоифага мансуб шахслар:**

- ногиронлиги бўлган шахснинг фарзанди (гувоҳнома серияси ва рақами);
- уч ва ундан зиёд боласи бор оила фарзанди (туғилиш ҳақида гувоҳномалар серияси ва рақамлари);
- ҳарбий хизматчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходимининг фарзанди (гувоҳнома серияси ва рақами);
- талаба ёки педагог фарзанди (муассаса номи, директор (ректор) буйруғи рақами);
- етим ёки ота-она қаровидан маҳрум бола (ота-она вафоти ҳақида гувоҳнома ёки бошқа ҳужжат серияси ва рақами);
- бошқа муассасадан кўчирилган бола (муассаса номи, қабул қилиш тўғрисидаги буйруқнинг санаси ва рақами);
- ака-укалари ёки опа-сингиллари ушбу муассасада тарбияланётган бола (қабул қилиш тўғрисидаги буйруқнинг санаси ва рақами) ҳужжатлари тақдим этилиши лозим.

**Тўлов микдори – бепул**

**Муддат – 1 соат**

Хизматлар [Ихтиерий пуллик хизматлар](#) [Ихтиерий тезлаштирилган хизматлар](#)

Болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул юлиши



Ушбу мурожаатни онлайн (электрон рақами имзо олиш каби сўровнома тўлдирилади) ва ДХМ орқали амалга ошириш мумкин.

**Ушбу хизматни кўрсатишнинг хуқуқий асоси:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 марта “Болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги 244-сон қарори.

Хизматдан фойдаланувчининг тоифаси – жисмоний шахслар.

Мурожаатларни кўриб чиқиш билан шуғулланувчи ташкилот – Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги.

**Хизмат тури: Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга қўйиш.**

Ушбу хизмат Миграция ва fuқароликни расмийлаштириш бўлимига (паспорт идорасига) бормасдан вақтинча прописка олиш имкониятини беради.

Хизмат нархи ва тўлаш тартиби – базавий ҳисоблаш микдорининг 2 фоизи.

**Хизмат кўрсатишнинг хуқуқий асоси:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида доимий ва вақтинча прописка қилиш тартибини янада содлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1049-сон қарори.

Хизмат кўрсатиш муддати – 1 иш куни.

Хизматдан фойдаланувчининг тоифаси – жисмоний шахслар.

Шуғулланувчи ташкилот – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимлари.

### Хизматдан фойдаланиш статистикаси



**Хизмат тури: олий таълим муассасаларига ҳужжат топшириши.**

#### Такдим этиладиган ҳужжатлар:


- тўлдирилган сўровнома;
- фуқаролик паспорти (паспорт ёшига етмаганлар учун туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома);
- умумий ўрта таълим (11-синф негизида) ёки ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасининг тугатганлиги ҳақидаги ҳужжат (иловаси билан).
- имтиёзга эга бўлган абитуриентларнинг имтиёз хукуқини тасдиқловчи ҳужжати;
- халқаро ва республика олимпиадалари, танловлар ва мусобақалар ғолиблари бўлганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжат (диплом ёки сертификат ва бошқалар);
- чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги давлат намунасидаги В1 ва ундан юқори даражадаги малака сертификати (агар мавжуд бўлса);

– илфор ҳалқаро имтиҳон тизимлари (TOEFL, IELTS, CEFR, SAT General, SAT Subject ва ҳоказо) сертификатлари (агар мавжуд бўлса) илова қилинади.

### **Тўлов микдори – белул**

(олдинги йил битирувчилари учун базавий ҳисоблаш микдорининг 50 фоизи, тахминан, 111500 сўм).

### **Муддат – 10 дақиқа.**



Ушбу мурожаатни онлайн (электрон рақамили имзо олиш каби сўровнома тўлдирилади) ва ДХМ орқали амалга ошириш мумкин. Абитуриентларни ҳужжат топшириш муддати 20 июндан 20 июлгача бўлгани туфайли ушбу муддатдан сўнг онлайн ҳужжат қабул қилиш тўхтатилади.

### **Хизмат тури: кадастр паспортини шакллантириш.**

Мазкур хизмат ёрдамида фойдаланувчилар уйдан чикмасдан туриб, кўчмас мулк обьекти учун кадастр паспортини шакллантиришга буюртма бериши ёки қайта шакллантириши мумкин.

Хизмат нархи ва тўлаш тартиби – кадастр паспортини тайёрлаш ва кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш учун нархлар:

кўп қаватли уйдаги квартира – обьектнинг 1 квадрат метр майдони учун базавий ҳисоблаш микдорининг 1 фоизи 25 фоизга кўпайтирилган ҳолда;

якка тартибдаги туарар-жой – обьектнинг 1 квадрат метр майдони учун базавий ҳисоблаш микдорининг 1 фоизи 25 фоизга кўпайтирилган ҳолда;

ер участкасини ажратиш бўйича иш мавжуд бўлганда якка тартибда туарар-жой қуриш учун ажратилган ер участкаси – бепул;

ер участкасини ажратиш бўйича иш мавжуд бўлмаганда якка тартибда туарар-жой қуриш учун ажратилган ер участкаси – базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,25 баравари;

дехқон хўжалигини юритиш учун ажратилган ер участкаси – базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,25 баравари;

нотурар объектларни қуриш учун ажратилган ер участкаси – базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,25 баравари;


қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун ажратилган ер участкаси – базавий ҳисоблаш миқдорининг 2,5 баравари.

Нархлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июлдаги “Кадастр ҳужжатларини тайёрлаш бўйича давлат хизматлари нархларини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2014 йил 10 июлдаги 186-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги 623-сон қарори билан ўрнатилган.

Хизматдан фойдаланувчининг тоифаси – жисмоний ва юридик шахслар.

Ташкилот – Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси

## Хизматдан фойдаланиш статистикаси



**Хизмат тури: юридик шахслар, жисмоний шахслар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларнинг солиқ қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома.**

Солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахслар учун давлат солиқ хизмати органларига ташриф буюрмасдан мустақил равишда солиқ қарзи мавжуд эмаслиги ҳақида электрон маълумотномани шакллантириб чоп этиб олиш имконияти яратилган.

Мазкур маълумотнома ўзининг уникал рақамига эга бўлиб, барча сўралган корхона ва ташкилотларга тақдим этилиши мумкин. Ушбу ташкилотлар электрон маълумотноманинг ҳақиқийлигини солиқ органларининг маълумотлар базасидан тўғридан-тўғри текшириб олиши мумкин.

## Хизматдан фойдаланиш статистикаси



## Хизмат тури: фуқароларнинг номида шахсий уй-жойи борлиги ёки йўклиги тўғрисида маълумотнома олиш.


Хизматнинг соҳага тегишлилиги – кўчмас мулк.

Хизмат натижаси – маълумотнома.

Хизматдан фойдаланувчининг тоифаси – жисмоний шахслар.

Шуғулланувчи ташкилот – Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри корхонаси филиаллари.

## Хизматдан фойдаланиш статистикаси



## **Хизмат тури: кўчмас мулк объектларига бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказишига ариза юбориш.**

Кўчмас мулк обьекти мулкдорлари ёхуд ушбу обьект бўйича ашёвий хукуқлар эгалари бўлган юридик ва жисмоний шахслар ёки уларнинг ваколатли вакиллари кўчмас мулк обьектига бўлган мулк хукуқи ёки бошқа ашёвий хукуқлар вужудга келган, бошқа шахсга ўтган, чекланган, бекор бўлган ёки кўчмас мулк обьектининг хукукий ҳолати ўзгарган кундан бошлаб бир ой муддатда кўчмас мулк обьектига бўлган хукуқни давлат рўйхатидан ўтказиши шарт.

### **Тартибга солувчи норматив-хукукий хужжат:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 декабрдаги “Кўчмас мулк объектларига бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1060-сон қарори.

Шуғулланувчи ташкилот – Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси.

## **Хизматдан фойдаланиш статистикаси**



**Хизмат тури: қурилиши (реконструкцияси) тугалланган бино ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш (якка тартибдаги уй-жой қуриш обьекти учун).**

Хизмат нархи ва тұлаш тартиби – давлат хизмати күрсатилгани учун энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

Хизматдан фойдаланувчининг тоифаси – жисмоний ва юридик шахслар.

Хизмат күрсатышнинг хуқуқий асоси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 370-сон “Архитектура ва қурилиш соҳасида давлат хизматлари күрсатышнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тұғрисида” қарори.

Шуғулланувчи ташкилот – Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси.

### **Хизматдан фойдаланиш статистикаси**



**Хизмат тури: турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш учун қарорни олиш.**

Хизмат нархи ва тұлаш тартиби (аризани кўриб чиқиш учун давлат божи) қуйидаги миқдорларда тұланади:

- Нукус шаҳри ва вилоят марказлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи;
- Тошкент шаҳрига энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи;

- туманлар ва шаҳарлардаги туманлар ҳудуди учун энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи.

### **Тартибга солувчи норматив-хуқукий ҳужжат:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 9 мартағи “Шаҳарсозлик фаолияти ва қишлоқ хўжалигидан бошка эҳтиёжлар учун ер участкалари беришнинг, бино ва иншоотларнинг ташқи кўринишини ўзгартириш (фасадини таъмирлаш)ни келишишнинг, шунингдек, объектни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилишга, турар жойни нотурадар жой тоифасига ўтказишга рухсатномалар беришнинг умумий белгиланган тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 70-сон қарори.

Хизматни кўрсатиш муддати – 8 кун.

Хизматдан фойдаланувчининг тоифаси – жисмоний ва юридик шахслар.

### **Хизматдан фойдаланиш статистикаси**

Ойлар бўйича умумий статистика



### **Хизмат тури: шикоят аризаси бериш тартиби.**

Божхона органи хизматчиси томонидан ҳужжатларда камчиликлар аниқланса, божхона декларантига камчиликларни бартараф этиш бўйича маълумот З соат ичida юборилади.

Бу қандай ишлайди?

- Рухсат этиш хусусиятига эга ва бошқа ҳужжатлар идоралараро электрон ҳамкорлик орқали “ЕАИС” тизимига киритилади.

- Ариза юборган шахсга руҳсат этиш хусусиятига эга ва бошқа ҳужжатлар тақдим этилади.
- Электрон декларация ва керакли ҳужжатлар тайёрланади, электрон рақамли имзо билан имзо қўйилади ва “АИСЭДТ” орқали божхона ташкилотларига юборилади.
- Товарларни божхонада электрон кўринишда расмийлаштирадиган ходимга электрон декларация юборилади.
- Камчиликлар аниқланса, божхонада расмийлаштирувчи мутахассисга юборилади.

## Хизматдан фойдаланиш статистикаси



## Хизмат тури: судланмаганлик (ёки судланганлик) тўғрисида маълумотномаларни олиш учун ариза юбориш.

Судланмаганлик (ёки судланганлик) тўғрисидаги маълумотномаларни бериш.

Хизмат нархи ва тўлаш тартиби – давлат хизмати кўрсатилгани учун энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

### Тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжат:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 4 октябрдаги “Ички ишлар органлари соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айrim маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 797-сон қарори.

Хизмат кўрсатиш муддати – 2 иш куни.

Хизматдан фойдаланувчининг тоифаси – Ўзбекистон Республикаси худудидаги жисмоний шахслар.

Шуғулланувчи ташкилот – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги.

## Хизматдан фойдаланиш статистикаси



## Хизмат тури: фуқароларни жамғаривор бориладиган пенсия таъминоти тизимиға ҳисобга олиш.

Хизмат нархи ва тўлаш тартиби – бепул.

### Хизмат кўрсатишнинг хуқуқий асоси:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 марта “Фуқарони жамғаривор бориладиган пенсия тизимиға ҳисобга кўйиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги 238-сон қарори.

Хизматдан фойдаланувчининг тоифаси – жисмоний шахслар.

Шуғулланувчи ташкилот – Халқ банки АТБ

## Хизматдан фойдаланиш статистикаси



### Хизмат тури: пенсия (нафақа) ҳақида маълумот.

Мазкур хизмат орқали Сиз пенсиянгиз (нафақангиз) миқдори, тайинланган санаси, тұлаш муддати, иш стажи давомийлиги, нафақа тури, танланган муддат бўйича тўловлар миқдори, шунингдек, ҳисобланган ва ҳисобланмаган иш стажи ҳақида маълумотларни олишингиз мумкин.


Хизмат нархи ва тұлаш тартиби – бепул.

Хизматни кўрсатиш муддати – бир зумда.

Хизматдан фойдаланувчининг тоифаси – жисмоний шахслар.

Шуғулланувчи ташкилот – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси.

## Хизматдан фойдаланиш статистикаси



### Хизмат тури: шахсий жамғарип бориладиган пенсия хисобварағи ҳолати ҳақида маълумот олиш.

Хизмат нархи ва тұлаш тартиби – бепул.

Хизматтинг соҳага тегищлилиги – ижтимоий ҳимоя.

#### Хизматни кўрсатишнинг ҳуқуқий асоси:


Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрдаги “Фуқароларнинг жамғарип бориладиган пенсия таъминоти түғрисида”ги 702-II сон қонуни.

Хизматни кўрсатиш муддати – ушбу хизмат онлайн режимда кўрсатиласи.

Хизмат натижаси – шахсий жамғарип бориладиган пенсия хисобварағидаги маблағ суммаси.

Шуғулланувчи ташкилот – Халқ банки АТБ.

## Хизматдан фойдаланиш статистикаси



**Хизмат тури: фарзанд түғилганда бериладиган бир марталик нафақа пулинин олиш.**

Хизмат нархи ва тўлаш тартиби – бепул.

Хизмат регламенти – фарзанд түғилганда бериладиган бир марталик нафақа пулинин бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг вақтингачалик маъмурий регламенти.

Хизматнинг соҳага тегишлилиги – ижтимоий ҳимоя.

Шуғулланувчи ташкилот – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамгармаси.


## Хизматдан фойдаланиш статистикаси



Давлат хизматларидан фойдаланиш ёки ягона портал орқали керакли маълумотлар олиш фуқароларга бир неча ташкилотларга мурожаат қиласиши ва коррупциянинг олдини олади. Ягона портал орқали мурожаат қилиш учун электрон рақамли имзо ёки OneID орқали рўйхатдан ўтиш керак.

#### 4. MY.GOV.Uzga мурожаат

Ягона интерактив давлат хизматлари портали [www.my.gov.uz](http://www.my.gov.uz) сайтида электрон рақамли имзо ёки OneID орқали шахсий кабинет яратиш мумкин. Электрон рақамли имзога эга бўлмаган юридик ёки жисмоний шахслар OneID орқали кабинетига кириши ва хизматлардан фойдаланиши мумкин.





## Тизимга кириш

**ID.GOV.UZ орқали  
кириш**

**Eki ЭРИ орқали кириш**

Электрон рақамли имзога эга бўлган фуқаролар ягона портал орқали юқорида келтирилган хизматларни давлат хизматлари марказларига мурожаат қилмасдан онлайн олиш имкониятига эга. Бунинг учун E-IMZO дастури ўрнатилади. Ўрнатилганда ишчи столида қуидагича ёрлик пайдо бўлади.



Шундан сўнг электрон рақамли имзони танланг сатри босилади.

## Еки ЭРИ орқали кириш

Кабинетга электрон рақамли имзо орқали кириш имконияти фақат Ягона идентификациялаш тизимида ([id.gov.uz](#)) рўйхатдан ўтган ва аввал авторизация орқали кабинетга кирган

фото бўйича таҳомидан ташкил этилган


Ташкил этилган таҳомидан ташкил этилган

**Имзо чекиши**

## ***Бу мухим!***

Давлат хизматларидан олинган электрон рақамли имзони С дискда DSKeys номли жилдга жойлаштиринг.

С дискка жойлаштирилган электрон рақамли имзони портал ўзи танлаб олади, “Имзо чекинг” тугмаси босилади.




Калит устига босиш орқали портал сатрига калит киритилади.

### Ёки ЭРИ орқали кириш

Кабинетга электрон ракамли имзо орқали кириш имконияти факат Ягона идентификациялаш тизимида ([id.gov.uz](http://id.gov.uz)) рўйхатдан ўтган ва аввал авторизация орқали кабинетга кирган фойдаланувчилар учун!

“Имзо чекинг” тугмаси танланади. Ойнада электрон рақамли имзонинг пароли сўралади.



## **Бу мұхым!**

Ушбу пароль давлат хизматларидан электрон рақамли имзо олғанда СМС орқали келади. Ушбу паролни саклаб қўйиш лозим. Шу орқали порталдаги шахсий кабинетга кириш мумкин.

Сўнг пароль муваффақиятли қабул қилинганлигини тасдиқловчи маълумот пайдо бўлади.



Тизимга кириш

Ёки ЭРИ орқали кириш

ID.GOV.UZ орқали  
кириш

Карди

Хизматта залеффиҳи руҳдани ишо-офисло көрсөтимендан фасл ўзине көрсетиленадиган  
тасдиқ (МФонд) руҳидордан узган иншал  
депонадиган орқали кабинетга кирсан  
фойдаланингчалик учун:

446723688 - Юносаев Минавархон

Интишар

Муниципалният ташаббуси

Карди

“Кириш” тугмаси босилиб, шахсий кабинетга кирилади.



Порталдаги хизматлардан бирини танлаб, ушбу хизмат ойнасига ўтилади.



- Хизмат тасвири
- Судланмаганик (ёки судланганлик) түргисида мәълумотномаларни олиш учун ариза юбориш

- Тармикге сугулучи норматив-күнүйчү таңылт
- Бағдарламжының тармиктеги көмекшесінен түргисида мәълумотномаларни олиш учун ариза юбориш

- Ташымчы
- Хизматтан фойдаланууда орналаскан жағдайлар

- Хизмат нараға зауыттар тартибі
- Дегендеңдең күтпелгінен түргисида мәълумотномаларни олиш учун ариза юбориш

- Хизматтың күрсеткіншіл мұндағы
- Зерттеудең тапшылыштары
- Хизматдан фойдалануудаң телефоні
- Чубеңдістан өзбекшесіндең орталығының тартибі

**“Хизматдан фойдаланиш” түгмасини босиши орқали кейинги босқичга үтилади.**

Кейинги босқич 3 қадамдан иборат. Ҳар бир қадамда сүралган шахсий маълумотларни киритиш орқали кейинги қадамга үтиш лозим.

**Хизмат. Судланмаганик (ёки судланганлик) түргисида мәълумотномаларни олиш учун ариза юбориш**

Жемийт шахсеннән кабынети > Хизмат > Инициатор

Қадам 1	Қадам 2	Қадам 3

ФИО \*

Ҳар бир хизматнинг үзига хос қадамлари мавжуд ва маълумотлар сўрайди.

Худди шу амалларни барча хизматларга қўллаш мумкин.


**Хизмат тури: нотариус қабулига ёзишиш.**

Хизматдан фойдаланиш учун хизмат тури, сана, аниқ вақт, нотариал идора ва бошқалар ҳақида маълумотни үз ичига олган онлайн шаклни тўлдириш лозим. Аризани олган нотариал идора ходимлари эса барча мурожаатларни Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш мурожаатларини рўйхатга олиш журналида рўйхатга олиши керак бўлади.

Ушбу масалалар Узбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 30 декабрдаги буйруғи билан тасдиқланган давлат нотариал идораларида жисмоний ва юридик шахсларнинг аризаларини тартибга солиш тартиби

тұғрисидаги низомда күзда тутилган. Низомга күра ариза берувчи нотариал идора томонидан мурожаат келиб тушгандан сүнг күпи билан бир иш куни муддатида қабул қилиниши керак.

Белгиланган вақтда аризачи қабулга келмаган ҳолатда қабул умумий келишилгандай қолатда ёки қабул кунини қайта белгилаш орқали амалға оширилади.



“Нотариус қабулигасындағы өзилиш” түгмаси босилади. Қуйидаги сұровнома ойнасига үтилади ва барча мажбурий қаторлар түлдирилади.



## Хизмат: Нотариус қабулунгы өзилиш

Бизнес-порталында · Админ · Аны

Нотариус / "Гүлчүл"

Саптама шарттарынан

Кабулдаштырылган

Кабулдаштырылған

Текущий

Анкеттеги тапшылыш

Адрес

Тошкент шаңар мэрсөө үйеңбек тұмандады хүсусий аяланы билан шүгүллануға нотариус НОРАДАЛОҚ ҚАЛМАСЫЛЫВЕДОНДА

Кабулдаштырылған

Кабулдаштырылған

Телефон (рандом)

+99872 77 450

Email

Хизмат тури, қабулга ёзилиш куни, худуд, туман ташланған заҳоти туманда хүсусий амалиёт билан шүгүлланувчи нотариуснинг фамилияси, исми ва шарифини тизим үзи танлайди. Маълумотлар ва қабул куни мақул бўлса, тутгаси босилади.

### Хизматдан фойдаланиш статистикаси

Ойлар буйича умумий статистика



## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2004. – № 1, 2.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 апрелдаги “Электрон хужжат айланиши тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – 2004. – № 20.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 7 сентябрдаги “Хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги ЎРҚ-443-сон қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – 2017. – № 6.).
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5349-сон фармони.
6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. 2017 йил 14 январь / Ш.М. Мирзиёев. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

### **Интернет манбалар**

1. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
2. [www.my.gov.uz](http://www.my.gov.uz)
3. [www.minjust.uz](http://www.minjust.uz)
4. [www.soliq.uz](http://www.soliq.uz)
5. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
6. [www.advice.uz](http://www.advice.uz)

**ЮНУСОВА МУНАВВАРХОН САБИРОВНА**

**ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ  
ХУҚУҚИНГИЗ БОР**

**Рисола**

*Мұхаррір: С. Тошева*

*Техник мұхаррір: У. Сапаев*

*Компьютерда сақиғаловчи: Д. Ражсанов*

Босишга рухсат этилди: 16.06.2021.  
Хажми: 2.6 б.т. Адади: 40. Буюртма: № 28.

Тошкент давлат юридик университети

Типография бүлимида чоп этилди.

Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ, кӯчаси, 35-уй.

